

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 17 январь, № 12 (8635) Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 январь куни Европа Иттифоқининг Европа комиссияси вице-президенти Маргаритис Схинас бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.**



Суҳбат аввалида Евроиттифоқнинг юқори мартабали вакили ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан самимий қутлаб, давлатимиз раҳбарига Еврокомиссия раҳбари Урсула фон дер Ляйен ва Еврокенгаш раиси Шарль Мишелнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

ЕИ билан кўп қиррали шерикликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Ўзбекистонга ташрифи, Марказий Осиё давлатлари ва Евроиттифоқ раҳбарларининг иккита учрашуви, ўзаро боғлиқлик бўйича Самарқанд конференцияси муваффақиятли ўтказилди.

ЕИ ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича қўшма "Йўл харитаси" амалга оширилмоқда. "Марказий Осиё — ЕИ" биринчи саммитини Ўзбекистонда ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Январь ойи охирида Брюсселда икки минтақанинг транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашга қаратилган йирик Инвесторлар форуми бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги савдо жадал ўсиб бормоқда, ўтган йили унинг ҳажми 30 фоизга ошди.

Европанинг етакчи компаниялари иштирокида юқори технологик тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. ЕИнинг Ўзбекистон учун савдо преференциялари амал қилиш муддати узайтирилди.

Долзарб минтақавий масалалар, шу жумладан, Афғонистонга гуманитар ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 январь куни 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

2023 йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Жумладан, саноат — 6, хизмат кўрсатиш — 6,8, қурилиш — 6,4, қишлоқ хўжалиги 4,1 фоиз ўсган.

Бу йил ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 6 фоизга кўпайтириб, 100 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Йиғилишда бу борадаги вазифалар, зарурий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун, аввало, энг катта ислоҳотчи бўлган иқтисодий комплекс ходимлари жуда қаттиқ ишлаши кераклигини таъкидлади.

Масалан, умумий саноат ҳажми ўсгани билан ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат 40 фоиздан ошмаяпти. Булар, асосан, импортга қарамлик, энергия истеъмоли юқорилиги ва ортиқча харажатлар кўплиги сабабли бўлмоқда.

Шу боис иқтисодий комплекс раҳбарлари ва барча давлат корхоналари учун "2024 йил — таннархни қисқартириш ва самарадорлик йили" бўлиши лозимлиги таъкидланди. Харидлар ва логистикани мақбуллаштириш, энергия ресурсларини тежаш ва рақамлаштириш орқали қанча харажатни камайтириш мумкинлиги тармоқлар кесимида кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда йирик тармоқларда қўшилган қийматни 45 фоиздан ошириш, таннархни 15 фоизга камайтириш, жами саноатда 7 фоиз ўсишни таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Шу билан бирга, иқтисодий комплексдаги раҳбарлар фаолиятини ойлик, чораклик ва йиллик самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) билан боғлаш, ўринбосарлар сонини кўриб чиқиш таклифи илгари сурилди.

Йиғилишда молиявий интизом масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўтган йили айрим давлат корхоналари томонидан дивиденд ва солиқ тўловлари бўйича бюджетга 8 триллион сўм тушум таъминланмаган. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида солиқ тушумлари 20 фоиз ўсган бўлса, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарёда бу кўрсаткич 7 фоизга ҳам етмаган.

Бундай ҳолатлар ҳудудий солиқ бўлими бошлиқлари ва ўринбосарлари, маҳалладаги солиқчиларнинг иши сустлигини кўрсатади. Шу боис бу тизим қайта кўриб чиқилиб, янги йўналишлар белгиланди.

Биринчи йўналиш — 40 мингта бюджет ташкилоти билан ишлаш вазифаси туманлардан Солиқ қўмитасида янги ташкил қилинадиган Туманлараро бюджет ташкилотлари инспекциясига ўтказилади. Ушбу инспекция тўлиқ рақамлашган бўлади ва Ғазначилик электрон тизимига интеграция қилинади.

Иккинчи йўналиш — қўмитада солиқ қарзини ундириш бўйича ҳам туманлараро инспекция ташкил этилади. Унга Мажбурий ижро бюросида мавжуд ваколатлар берилади. Бунинг ҳисобига туманлардаги қўшимча 200 нафар солиқчини маҳаллабай ишлашга ўтказиш имкони бўлади.

Учинчи йўналиш — республика солиқ тушумининг 50 фоизини берадиган 80 та энг йирик корхона ва 35 та тижорат банки билан ишлайдиган алоҳида тизим бўлади. Бунинг учун Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция таркибида янги тузилма ташкил қилиниб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан бевосита ишлайди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига солиқлар тушумини ўз вақтида таъминлаш, корхоналар харажати асоссиз ўсишининг олдини олиш бўйича вазифалар қўйилди.

Божхона соҳасига тўхталинар экан, ўтган йили импорт бўлган товарларга салкам 60 триллион сўмлик имтиёз қўлланган, лекин уларнинг самарадорлиги бўйича етарли таҳлил йўқлиги қайд этилди. Шу боис имтиёз билан кирган товарларни бирма-бир ўрганиб чиқишга кўрсатма берилди.

Бюджет тушуми учун яна катта захиралар бу — хусусийлаштириш ва ерларни аукцион орқали сотиш. Лекин хусусийлаштириш дастурига киритилган 484 та давлат активи савдога чиқарилмай турибди.

Масалан, савдога қўйилган ўнлаб дон корхоналари сотилмасдан турибди. Негаки, уларнинг баҳосини белгилашда камчиликлар бор.

Вазирлар Маҳкамасига бу борадаги қолоқликларни бартараф этиб, жорий йилда 20 триллион сўм тушумни таъминлайдиган янги хусусийлаштириш дастурини тайёрлаш топширилди.

Ўтган йили ерларни аукцион орқали сотишдан 1 триллион сўм тушум бўлган, 12 мингта янги лойиҳа қўшилган. Бундай имкониятларни кенгайтириш мақсадида йил якунига қадар 70 та, келгуси йили барча туманларнинг мастер режаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кундаги энг долзарб масала бу — "яширин иқтисодиёт". Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хизматлар, қурилиш, саноат соҳаларида катта миқдордаги айланма "соя"да қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари "яширин иқтисодиёт" адолатли рақобатга, ҳалол тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётганини айтиб, қўшимча чораларни кўрсатиб ўтди.

Ҳозирда "яширин иқтисодиёт" ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш билан 14 та идора тарқоқ ҳолда шуғулланмоқда. Бу ишларни мувофиқлаштириш ва кучайтириш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ваколатлари кенгайтирилади. Бу департамент энг замонавий воситалар ва етук мутахассислар билан таъминланиб, унинг ҳузурида илмий-таҳлилий ва ўқув маркази очилади. Шу билан бирга, Бош прокуратурада ҳам "яширин иқтисодиёт" бўйича алоҳида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил қилинади.

Йиғилишда бюджет харажатларининг самарадорлиги масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ўтган йили бюджетдан 1,2 триллион сўмлик ноқонуний харажат ҳамда 200 миллиард сўмлик камомад ва ўғриликларга йўл қўйилгани аниқланган. Соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги дастурларга ажратилган маблағлар тўлиқ ишлатилмаган. Шунингдек, аслида ишламайдиган ходим ёки бажарилмаган иш учун ҳақ ёзиш, асоссиз ссуда ёки мукофот пуллари олиш каби ҳолатлар кўпайган.

Бу борада Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолияти қониқарсиз экани кўрсатиб ўтилди. Шу боис мазкур инспекция Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ўтказилиши белгиланди.

Бу йил бюджетда кўзда тутилган 313 триллион сўмлик харажатнинг тўғри сарфланишини назорат қилиш вазифаси қўйилди.

Инфляцияни камайтириш масаласи ҳам долзарб. Кўрилган чоралар натижасида ўтган йили инфляция 9 фоиздан ошмади.

Маҳсулотлар инфляциясини озиқ-овқатни кўпайтириш орқали жиловлаш мумкинлиги таъкидланиб, бу бўйича қишлоқ хўжалиги вазири ва ҳокимларга кўрсатмалар берилди.

Умуман, жорий йилда ҳам инфляцияни 9 фоиздан тушириш чоралари муҳокама қилинди.

Банк тизими барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётга кредитлар йўналтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бозор механизмлари асосида кредит ставкаларини камида 2-3 фоизга тушириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бўйича яқинда қабул қилинган дастурни самарали амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Бандлик тизимига кирувчи касбга тайёрлаш муассасалари ҳамда ташқи меҳнат миграциясидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига бу каби камчиликларни бартараф этиб, аҳолини касбга ўқитиш ва иш ўринлари яратиш юзасидан қўшимча топшириқлар берилди.

Йиғилиш якунида иқтисодий комплекс раҳбарлари, вазирлар ва ҳокимлар жорий йилги режалари бўйича ахборот берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқаролар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 24 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳамда давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш имкониятини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали ҳимоя қилиниши, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланишига оид нормасини амалга ошириш мақсадида маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш, шунингдек давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тартиб-таомилларини соддалаштириш зарурати юзага келмоқда.

Шу муносабат билан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божини фуқаролардан олдиндан ундирмасдан, ушбу божни ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра айбдор тарафдан ундириш тартибини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек давлат божининг кўрсатилган ставкаси миқдори пасайтирилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

Олий Мажлис Сенатида

## ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

*Маълумки, парламент юқори палатаси аъзолари мунтазам равишда навқирон авлод вакиллари билан учрашиб, уларнинг қизиқиши, мақсад ва интилишлари, Сенат фаолиятига доир янгиликлар юзасидан мулоқот ўтказиши анъанага айланган. Бундай хайрли тадбирлар Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида изчил давом эттирилмоқда.*

Кеча Олий Мажлис Сенатида "Парламентда ёшлар ўрни" лойиҳаси доирасида ўтказилган учрашув бунга ёрқин мисолдир.

Унда сенаторлар ва ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси иқтидорли ёшлари дилдан суҳбатлашди.

Ўз навбатида, йигит-қизларга Сенатнинг асосий фаолияти, хусусан, юқори палата ваколатлари, сенаторлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, улар ҳуқуқ ва мажбуриятлари, парламент назоратининг айрим жиҳатлари тўғрисида кенг тушунтириш берилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда долзарб қонунларни қабул қилиш, давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, парламент назоратини олиб бориш ҳамда ижро органлари ва мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги ҳисобдорлигини ошириш парламент фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Мулоқот давомида иштирокчилар Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар ва ёшлар билан ҳамкорлиги, қонунлар муҳокамасида ҳудудлар манфаати қанчалик муҳим аҳамият касб этиши билан боғлиқ қатор саволларга жавоб олиш имконига ҳам эга бўлди.

**«Халқ сўзи».**

## ЎЗБЕКИСТОН — ТАРИХ КИТОБИНИНГ ЎЗИГА ХОС САҲИФАСИ

*Американинг "InsideHook" нашрида Ўзбекистон туризм салоҳиятига бағишланган мақола эълон қилинди.*

*Нашрда қайд этилишича, бой тарих ва маданиятга эга Ўзбекистон бутун дунё саёҳатчилари эътиборини жалб қиладиган масканлардан биридир.*

*"Бир пайтлар қадимий Буюк Ипак йўлининг марказида бўлган бу ажойиб гўша бугун хитой, рус, форс, турк ва араб маданиятлари ва анъаналарининг ўзига хос уйғунлигини тақдим этади", дея ёзилган манбада.*




Дунё нигоҳи

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистондаги ажойиб санъат ва меъморчилик ёдгорликлари ҳақидаги маълумотлар ўқувчилар эътиборига тақдим қилинган.

Қайд этиладики, Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ўнлаб кўк рангдаги кошинлар билан безатилган ажойиб обидалар мавжуд. Ушбу шаҳарларга саёҳат воқеаларга бой ва унутилмас бўлади.

"Масалан, Хивадаги қадимий Ичан қалъа 60 дан ортиқ ёдгорлик ва музейларни ўзида жамлаган. Буюк Ипак йўли муҳитини чинакамига ҳис этиш учун XIX аср охирида қурилган бинода жойлашган "Orient Star Khiva" меҳмонхонасида қўноқ бўлиш айни муддао", дейилади мақолада.

➡ 3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## АТМОСФЕРА ҲАВОСИ МУҲОФАЗАСИ — ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

*Ўзбекистон Экологик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда атмосфера ҳавоси муҳофазаси бўйича қонунчилик ижросига доир масалалар муҳокама қилинди.*

Экспертлар, эколог олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда депутатлар мамлакатимизда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, табиатни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги ишлар, уларнинг натижаларига тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид ташаббуслари, бир қатор Фармон ва қарорлари бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида уқтирилди. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқлари кафолатлангани муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқаролар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур Қонун фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимоя қилинишини таъминлашга, уларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳамда давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **10-модда**:

**биринчи қисми**:

**1-бандидаги** «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **1[1]-банд** билан тўлдирилсин:

«1[1]) жисмоний шахслар – ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузаётган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда»;

**иккинчи қисми** «1» рақамидан кейин «1[1]» рақами билан тўлдирилсин;

2) **илова 3-бандининг «б» кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« б) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризалар (шикоятлар) бўйича

| | |
|---|---|
| фуқаролардан | – БҲМнинг 70 фоизи |
| юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан | – БҲМнинг 10 баравари |

».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 16 январь
№ ЎРҚ—897

Сенат қўмитасида

# ҚИЗҒИН БАҲСЛАРГА САБАБ БЎЛАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

*Шу кунларда Олий Мажлис Сенати қўмиталарида дастлабки тарзда кўриб чиқилаётган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун ижтимоий тармоқларда кенг баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганидан хабарингиз бор. Албатта, бу яхши. Зеро, ҳақиқат баҳсларда туғилади ва қонун янада ҳаётий бўлишига замин яратади.*

Куни кеча мазкур қонун муҳокамаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида давом эттирилди.

Унда сенаторлар, қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, соҳа мутахассислари, олимлар, Ички ишлар, Адлия ва Рақамли технологиялар вазирликлари, Божхона қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Мажлисда дастлаб қонуннинг илк муҳокамаси ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, мунозараларга сабаб бўлгани айтиб ўтилди ҳамда таклиф этилган журналистлар саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда юртимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш билан боғлиқ тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини ошириш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини кучайтириш, йўл ҳаракатининг ташкил қилинишини тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда. Масалан, 2023 йилнинг 11 ойида 8693 та ЙТҲ юз бериб, уларда 2080 нафар инсон ҳалок бўлган, 8055 нафари тан жароҳати олган. Маст ҳолда транспорт воситаларини бошқариш ҳолатлари кейинги йилларда кўпайиб бораётгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Энг ачинарлиси, 2023 йилда қарийб 6000 нафар ҳайдовчилар маст ҳолда автомобиль бошқаргани учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг ҳам яна шу хатти-ҳаракатни содир этган.

Иштирокчилар томонидан айтиб ўтилганидек, ўтказилган ўрганишлар таҳлили йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун амалдаги қонун ҳужжатларида таъсир кўрсатувчи омиллар мавжуд эмаслиги ва бу билан жазо муқаррарлиги таъминланмагани йўл-транспорт ҳодисалари кўпайишининг асосий сабабларидан бири бўлмоқда.

Муҳокамадаги қонун билан йўл ҳаракати хавфсизлигига эришиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахснинг такроран автомобиль бошқарганлиги учун жиноий жавобгарликни кучайтириш ҳамда сиқилган табиий ва суюлтирилган газда ишлайдиган транспорт воситалари иштирокидаги ҳодисалар бўйича алоҳида моддаларда маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Мутахассислар томонидан шу каби ҳолатлар инобатга олиниб, Жиноят кодексига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали транспорт воситасини такроран маст ҳолда бошқарганлик учун уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо белгиланаётгани айтиб ўтилди.

Мажлис давомида жамоатчиликнинг кенг муҳокамасига сабаб бўлаётган қонун моддалари бўйича журналистлар берган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Якунда кўрилган масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

### Сўз — тадбир иштирокчисига

**Жаҳонгир ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор:**

— Сўз юритилаётган қонундаги нормалардан бирига кўра Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 195[2]-модда киритилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизмат вазифаларини бажариш чоғида олинган фото ва видеотасвирларни уларни обрўсизлантириш мақсадида интернет ахборот тармоғида жойлаштирганлик учун жавобгарлик белгиланаётир. Мазкур хатти-ҳаракатлар учун жазо чораси сифатида базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари даражасида жарима ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олиш назарда тутилмоқда.

Шу ўринда ушбу махсус нормаларнинг киритилишини қандай объектив зарурат тақозо этди, деган табиий савол туғилади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижаларидан кўриш мумкинки, бугунги кунда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабаблари қоидаларни менсимаслик ҳамда транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Қолаверса, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга масъул ходимларнинг қонуний талабларини бажармаслик, уларнинг хизмат фаолиятига тўсқинлик қилиш, улар тўғрисидаги нотўғри, ноаниқ, бузиб кўрсатилган маълумотни обрўсизлантириш мақсадида интернет тармоқларига жойлаштириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Алоҳида айтиш жоизки, киритилаётган қоидалардан асосий мақсад кимнидир жазолаш эмас, балки жазонинг профилактик ва огоҳлантириш функциясини янада кучайтиришдан иборатдир.

Мазкур норманинг қуйидаги бир қатор муҳим жиҳатлари мавжуд:

**биринчидан**, ушбу қоидалар шахснинг эркин ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини чеклашни назарда тутмайди, шахс келгусида ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари (уларнинг фаолияти)ни исталганча фото ва видеотасвирга олиши мумкин;

**иккинчидан**, мазкур қонун нормаси билан ҳар қандай ҳолларда эмас, балки хизмат олиб бораётган ходимни обрўсизлантириш мақсадида интернет тармоғига жойлагандагина тегишли жавобгарлик юзага келади;

**учинчидан**, жавобгарлик юзага келиши учун жойланаётган ахборотлар ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган бўлиши лозим. Акс ҳолда бу модда талқин қилинмайди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қонунни ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси ҳам ҳисобга олинади.

**«Халқ сўзи».**

# АТМОСФЕРА ҲАВОСИ МУҲОФАЗАСИ — ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА



1 Қўшма йиғилишда депутатлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг амалда риоя этилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Айтилдики, 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни Президентимиз белгилаб берган вазифалар ва Ҳаракатлар стратегияси талабларидан келиб чиқиб тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, бу йўналишдаги қонунчиликнинг асосий вазифалари қайта кўриб чиқилди, шунингдек, фуқароларнинг шу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда мазкур қонунни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича муайян ишлар бажарилган. Хусусан, фуқароларнинг атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда унинг муҳофазаси бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларидан ишончли ахборот олиш ҳуқуқлари таъминланмоқда. Йўналишдаги стандартлар, атмосфера ҳавоси сифати нормативлари ва бошқа қатор меъёрлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Йиғилиш иштирокчилари охирги пайтларда мамлакатимизда, шу жумладан, пойтахт Тошкент шаҳрида ҳаво ифлосланиб бораётгани, бу ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари ва кўриб чиқилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Бугунги кунда бутун дунёда иқлим ўзгаришлари натижасида бир қатор экологик муаммолар — чўлланиш даражаси ортаётгани, биологик хилма-хилликнинг камайиши, сув ресурсларининг қисқариши, чиқиндиларнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Бунинг натижасида атмосфера ҳавосининг булғаниши билан боғлиқ экологик муаммо кун тартибига чиқаётгани мутахассислар томонидан қайд этилди.

Саноат ташламаларининг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида “Тармоқ жадвали” асосида атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатувчи 44 та саноат корхонасида 69 та автомат станцияси ҳамда 27 та турғун кузатиш пункти ўрнатилгани, 2023 йилда 147 та саноат корхонасидаги чанг-газларни тутиб қолувчи 716 та ускуна модернизация қилиниб, ҳавога 10 минг тоннадан ортиқ ифлослантирувчи моддалар ташланишининг олди олингани таъкидланди.

Йиғилишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижро этилиш ҳолатини доимий ўрганиб бориш, бу борадаги парламент назоратини янада кучайтириш, ушбу жараёнда жамоатчилик иштирокини таъминлаш, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида аҳолига ахборот етказишнинг шаффофлигини кафолатлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни татбиқ қилиш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида депутатлар иштирокида ишчи гуруҳ тузиш, атмосфера ҳавосига таъсир кўрсатувчи объектлар мисолида ўрганишлар ўтказишга келишиб олинди.

### Сўз — иштирокчиларга

**Ўктам ИСЛОМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Экология барқарорлигини таъминлаш ҳамда ҳавонинг ифлосланишига қарши курашиш масаласи барча давлат органлари, қолаверса, ҳар биримизнинг зиммамиздаги долзарб масала. Йиғилишда масъул вазирлик томонидан бу борада олиб борилган таҳлиллар айтиб ўтилди. Шулардан келиб чиқиб фикр билдирадиган бўлсам, айтиш мумкинки, ҳар қандай муаммони ечиш учун, энг аввало, мавжуд ҳолатни, унинг сабабини билишимиз керак. Бугун атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бутун дунёдаги глобал муаммо бўлиб, бу ҳолат, асосан, кимё заводлари масаласи билан боғлиқлигини намоён этади. Тўғри, ишлаб чиқариш, саноат корхоналарини ривожлантириш муҳим, шу билан бирга, улар чиқарадиган зарарларни камайтириш, бунинг учун зарур мосламаларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Йиғилишда транспорт воситалари ва уларнинг ҳавога етказаётган зарарлари бўйича айрим маълумотлар келтирилди. Назаримда, бу борадаги таҳлилларни аниқ олиб бориш лозим. Транспорт воситаларини чеклаш борасида жуда эҳтиёт бўлиш керак. Автомобилларнинг ҳаракатланиши иқтисодиётнинг драйвери ҳисобланади. Ҳаракатни тўхтатиш иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу борада муқобил вариантларни ишлаб чиқиб, кейин тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

**Зикрилла АЛИМОВ, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институтининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш лабораторияси мудири, техника фанлари доктори:**

— Қонунчилик палатасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган йиғилишда депутатлар, олимлар, тегишли вазирлик масъуллари иштирок этиб, ўз тавсияларини берди. Дунёда долзарб бўлиб турган масаланинг парламент даражасида кўрилиши, албатта, бизни қувонтиради.

Йиғилишда асосий эътибор кўпроқ атмосферадаги ўзгаришларни, унинг таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни ўрганиш ва унинг манбаларига алоҳида эътибор беришга қаратилди. Бундан ташқари, жамоат транспортини ривожлантириш, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш каби бир қанча таклифлар илгари сурилди. Буларнинг амалга оширилиши, албатта, ўз натижасини беради.

Айтиш жоизки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бугунги кунда ёки яқин йилларда пайдо бўлган муаммо эмас, балки унинг келиб чиқишининг бир қанча сабаблари бор. Асосий таклифимиз асосида атмосферадаги ПМ-2,5 ва ундан юқори бўлган заррачаларнинг инсонга ва атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш ва уларнинг манбаларини аниқлаш ҳамда мавжуд зарарли ҳолатни камайтиришга оид технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот олиб бориляпти. Тадқиқот ишлари ўз самарасини беради, деб умид қиламиз.

**«Халқ сўзи».**

# «ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ» СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЕЛГИЛАНМОҚДА

*Глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари шароитида энергияга бўлган талабнинг ортиши, углеводород хомашёси захираларининг камайиб бораётгани, энергия олиш мақсадларида атроф-муҳитнинг ифлосланиши кўпгина давлатлар қатори мамлакатимизда ҳам қайта тикланувчи энергетика соҳасини ривожлантириш заруратини кўрсатяпти.*

### Янги қонун

Юртимизда кейинги йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларини, хусусан, қуёш, шамол ва сув оқимлари энергиясидан фойдаланиш ҳамда ривожлантириш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва тежамкор технологияларни жорий қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Бугун мамлакат иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли томонидан электр энергияга бўлган талаб 83 млрд. кВт-соатга етди. Таҳлилларга кўра, 2030 йилга қадар иқтисодиётнинг барча тармоғи жадал ривожланишини инобатга олган ҳолда, электр энергияга талаб қўшимча 40 млрд. кВт-соатга ошиши кутилмоқда.

Соҳада бозор муносабатларини кенг жорий этиш, хусусан, хусусий сектор, давлат-хусусий шериклик механизмларига ўтиш борасида йирик ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатларда олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида қайта тикланувчи энергия манбалари салмоғи умумий энергетика ишлаб чиқариш тизимида 8 фоизга етказилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатда соҳани ривожлантириш, асосан, чет эл инвестицияси ҳисобига қайта тикланувчи энергия манбаларининг йирик ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш орқали амалга оширилмоқда. Айни пайтда кўп сонли аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида кичик қувватли қурилмаларни ҳамда энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ишлари ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланяпти.

Хусусан, жисмоний шахсларга тегишли объектларда ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига Давлат бюджетидан 1 000 сўмдан субсидия ажратиш институти жорий этилди. Аммо кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай кичик қувватларни ривожлантиришда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади, аҳолининг бу борада фаоллиги сезилмаяпти. Шу боис мамлакатимизда кичик қувватлардаги қайта тикланувчи энергетика ривожи бошқа давлатлар кўрсаткичларига нисбатан паст даражада қолмоқда.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида бу борада муҳим янгиликлар ўрин олган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 26 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида депутатлар томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинган ва Сенатга юборилган қонун билан амалдаги қонунчиликка “яшил энергия” сертификатлари тушунчасини киритиш ҳамда бундай сертификатларни бериш ва муомалага киритиш тартибига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколати Вазирлар Маҳкамасига берилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи электрон ҳужжат “яшил энергия” сертификати сифатида қайд этилиши таклиф қилиняпти. Қуввати 300 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергияси тизимига улаш махсус ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилиши ҳам ушбу қонунда белгиланаётир.

Бундан ташқари, Солиқ кодексига “яшил энергия” сертификатлари савдосидан тушган даромадлар фойда солиғидан озод этилишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда. Бу эса бугунги глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари шароитида мамлакатда “иқлимий молиялаштириш” механизмлари жорий этилаётганидан яна бир бор далолатдир.

Сирасини айтганда, ушбу қонун уй-жой коммунал соҳалар ва иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришга ҳамда “яшил” иқтисодиётга ўтиш чораларини қўллайдиган инвесторлар учун қулай иқтисодий имкониятлар яратилишига хизмат қилади.

Умуман, “яшил” энергетика соҳасини ривожлантиришда “яшил энергия” сертификатлари институтини фаол жорий этиш муҳим иқтисодий механизм бўлиб, ушбу ҳуқуқий норма экологик тоза энергия ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантиришда ва пировардида мамлакатимизнинг энергетика хавфсизлигини таъминлашда катта роль ўйнайди.

**Ислом ХУШВАҚТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

### Долзарб мавзу

# ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР БОР, АММО...

*Замон шиддат билан ўзгармоқда. Янги Ўзбекистон бу жараёнда дунё ҳамжамиятига дадиллик билан интеграциялашиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Аввало, иқтисодий-ижтимоий соҳага илғор халқаро тажриба кириб келмоқда, давлат тизимларида очиқлик ва бошқарувда халқнинг фаол иштироки кузатилмоқда.*

Бу яхши, албатта. Аммо ривожланишимизга тўсиқ бўлаётган айрим қусурлар ҳам учраб турибдики, бу ўз тақдирини Ватан тақдири билан чамбарчас боғлаган ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Улардан бири — коррупция. Баъзан порахўрлик, уюшган жиноятчиликнинг давлат хизматига кириб келиши, судлов тизимида адолат бузилиши, хуфиёна иқтисодиёт мисолида зоҳир бўлаётган кўринишлари тараққиётга тушов экани, аҳоли ўртасида давлат ҳақида салбий фикрлар уйғотишга олиб келаётгани ҳам аччиқ ҳақиқат.

Шу маънода, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши кескин кураш олиб бормас эканмиз, олий мақсад рўёби қийинлашиб бораверади. Тўғри, коррупцияни йўқотиш ҳеч бир давлат учун осон кечмаган. Бизда ҳам бу масала силлиқ кетаётгани йўқ. Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, банк муассасалари, бошқа қатор соҳалар, айрим давлат хизматчилари ўртасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларнинг учраётганлиги бу иллатга қарши курашни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Бунда ишни биргина ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига юклаб қўйиш билан кутилган натижага эришиш қийин. Аввало, қайта-қайта айтилаётганидек, жамоатчилик ўртасида унга нисбатан тоқатсизлик туйғусини шакллантириб, тамагирлик, “сендан угина, мендан бугина” қабилидаги бирор ҳолат жазосиз қолмаслиги ҳақидаги оддий ҳақиқатни ҳар бир киши онгига сингдириш муҳим.

Хўш, Наманган вилоятида ушбу масалага қай тартибда ёндашилмоқда? Жойларда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ кўрсаткичлар аҳволи қай даражада?

Биргина ўтган йилда рўйхатга олинган 1682 та иқтисодий жиноятнинг 153 таси порахўрлик билан боғлиқ эканлиги манзарага бирмунча ойдинлик киритади. Аммо кўрсаткич 2022 йилдагига нисбатан 115 тага камайган бўлса-да, бу хотиржамликка асос бўлмайди. Негаки, халқимизнинг андишалилиги сабаб ошкор этилмаётган олди-берди кўринишидаги тамагирликларнинг қанчаси очилмасдан қолиб кетаётгани ҳам бор гап.

Маълумки, Президент Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий комиссиялари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва вилоятларда ҳудудий кенгашлар этиб қайта ташкил қилинди. Шу тартибда Наманганда 38 нафар фаолдан иборат кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурида таркибига 7 нафар депутат киритилган Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссия иш олиб бораётир.

Ўтган йилда бу кенгаш ўз режасидан келиб чиқиб, 54 нафар мутасадди ва мансабдор шахснинг айни масала бўйича ҳисоботини эшитди. Доимий комиссияда ҳам бундай эшитишлардан ташқари давлат муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат соҳаларида ўрганишлар олиб бориляпти.

Айтиш керакки, коррупцияга қарши курашда ҳам содир этилган жиноят оқибатларидан кўра унинг олдини олиш, демак, профилактика, хусусан, тарғибот тадбирларига урғу бериш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, жойларда мавзу бўйича кўргазмали воситаларни ўрнатиш, меҳнат жамоалари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида учрашув ва суҳбатлар уюштириш, содир қилинган жиноятлар муҳокамасига бағишланган йиғилишлар ташкил этиш услубларидан кенг фойдаланяпмиз.

“Коррупциянинг салбий оқибатлари” мавзуида тайёрланган қисқа метражли видеороликлар вилоят бўйича 44 та “Led” мониторида мунтазам равишда намойиш этиб борилаётганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. 244 та ташқи реклама объекти устунига ва 126 та бошқарма ҳамда идоранинг кириш қисмлари ва аҳоли кўп ташриф буюрадиган 24 та масканга коррупцияга қарши курашга чорловчи паннолар ўрнатилгани тарғибот ишлари кўламини кенгайтиришга хизмат қилаётганини айтиш ўринлидир.

Аммо адолат билан айтадиган бўлсак, бу саъй-ҳаракатларнинг ўзи кам. Қачонки, биз биргаликда ҳаракат қилмас эканмиз, кутилган натижага эриша олмаймиз.

Дейлик, болалар боғчаси мудираси ёки лавозимдаги шифокор ишга кирмоқчи бўлган мутахассисдан бирор нима ундириб қолиш илинжида, халққа наф келтирадиган лойиҳа ижросига кредит сўраган тадбиркорнинг чўнтагига кўз тиккан банкир ёки йўлсозлик ташкилоти мутасаддиси кўчани асфальт қилдиришни сўраб келган маҳалла оқсоқолидан “соққа” қилиш дардида. Буларнинг барчасини биламиз, аммо фикримизни айтмаймиз. Яна ўша андиша ва бефарқлик. Ёки пора талаб қилинаётган фуқаро ноқонуний иш бўлаётгани тўғрисида чайналиб гапиради, бу ҳақда ёзиб беринг, десангиз, келинг, шу гап мендан чиқмасин, дейди. Бу билан ўзимиз ҳам коррупциянинг янада баттар урчишига йўл очиб бермаяпмизми?..

Демак, коррупцияга қарши курашиш жараёни аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Коррупцияга қарши ёшу қари маърифат билан курашсагина, жиноятнинг илдизини қуритишга эриша оламиз.

**Мусохон ОППОҚОВ, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати.**

# ГЛОБАЛ ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШ



## ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЭЪТИБОРИДА

*Кўзга кўринмас иллат — коррупция кишилик жамиятининг барча жабҳасига салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, у мамлакатлар иқтисодий ривожига тўсиқ бўлади, инсон ҳуқуқларини таъминлашга монелик қилиб, ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради.*

*Бугунги кунда ушбу жирканч иллатга қарши биргина юртимизда эмас, минтақавий ва глобал интеграциялашган ҳолда мамлакатлар етакчилари ҳам фаол курашмоқда. Бу эзгу йўлда қўшма дастурлар асосида унга барҳам бериш учун истиқболли чора-тадбирлар ҳаётга жорий қилинмоқда. Коррупциянинг олдини олиш, ошкораликни таъминлаш ва жамоатчилик институтларини мустаҳкамлаш Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда устувор аҳамият касб этмоқда.*

## Бугуннинг гапи

### Коррупциянинг ривожланиши нималарга олиб келади?

Ана шу минтақавий ва глобал интеграциялашув доирасида Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний ташаббуси билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича мукофот таъсис этилган бўлиб, 2023 йил 19 декабрда олий даражадаги меҳмон амалий ташриф билан Тошкентда бўлганида ана шу мукофотларни топшириш маросимида қатнашди.

Тадбирда халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ифодаловчи монументнинг очилиши, унда БМТ Бош котибининг ёрдамчиси Александр Зуев, хорижий мамлакатлардан келган делегациялар, эксперт ва ОАВ вакилларининг иштирок этиши бу глобал иллат жаҳон ҳамжамияти томонидан институционал ўрганилаётганини, унга қарши халқаро иттифоқлашган ҳолда курашилаётганини тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимида нутқ сўзлаб, тантанали тадбирни Ўзбекистонда ўтказиш бўйича таклиф ва яқиндан кўрсатган кўмаги учун мазкур нуфузли мукофот асосчиси — Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний ҳамда БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ноаниқ, беқарор ва шиддат билан ўзгараётган жаҳондаги ўткир муаммолардан бири бўлган коррупция мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг асосий тўсиғи экани, коррупцияга қарши курашиш соҳасида глобал мукофотнинг таъсис этилгани ва уни топширишга бағишланган маросимлар барча қитъаларда ўтказиб келинаётгани соф виждонли ҳар бир инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчи эканини эслатиши таъкидланди.

Бугунги кунда коррупциянинг дунё мамлакатларига етказаётган зарар миқдори 3 триллион АҚШ долларига яқин экани, лекин бу рақамлар ҳам ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарларнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода этиши қийинлиги айтилди.

### Умумбашарий мақсадлар

Таъкидлаш жоизки, глобаллашув шароитида инсоният фаровонлиги ва унинг ҳаётига таҳдид соладиган бир қатор жиддий муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти қайсидир маънода коррупция муаммоси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Одатда, коррупция нафақат



иқтисодий таназзул, балки жамият инқирозининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Коррупциянинг авж олиши инсоний туйғуларни кемириш билан бирга, ижтимоий жиҳатдан жамиятда аҳолининг камбағал қатламини кўпайтиради, қашшоқликни кучайтиради. Глобал миқёсда коррупциянинг газак олиши эса фуқаролар ҳуқуқларининг поймол бўлишига, маъмурий буйруқбозликнинг кучайишига олиб келади. Бунда маълум имтиёзга эга бўлган қатлам мамлакат ресурсларидан ўз мулкидай ноқонуний фойдаланади, ўзига бўйсунмаганларни қўрқув ва таҳдид исканжасида сақлаб туради, ҳатто қуролли можароларни молиялаштириши, кучайтириши, шу орқали тинчлик жараёнларига рахна солиши мумкин.

Дунё мамлакатларида бундай жиноятларга қарши курашишга ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ва бурчи сифатида қаралмоқда. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билган ва идрок қилган ҳар бир шахс, мулкчилик кўринишидан қатъи назар, барча меҳнат жамоалари иштирокидагина коррупцияга қарши курашиш ўз натижасини бериши мумкинлиги тарғиб қилинмоқда. Жумладан, коррупцияга қарши курашда мамлакатлар, давлат амалдорлари ва хизматчилари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, оммавий ахборот воситалари, хусусий сектор, фуқаролик жамияти, илмий доиралар, жамоатчилик ва ёшлар бирлашиши керак, деган умумбашарий мақсадлар илгари сурилмоқда.

2023 йилда ушбу иллатга қарши курашда самарали восита бўлган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги кенг нишонланди. БМТ Бош Ассамблеяси 2003 йил 31 октябрда мазкур конвенцияни қабул қилган эди. Ўшандан буён 190 давлат коррупцияга қарши мажбуриятларни зиммасига олди ва бу ижобий бошқарув ўз натижасини бера бошлади. Ассамблея, шунингдек, коррупция муаммоси ва конвенциянинг унга қарши курашишдаги ролини чуқурроқ тушунтириш мақсадида 9 декабрни "Халқаро коррупцияга қарши кураш куни" сифатида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Конвенцияда кўрсатилган тамойиллар кишилик жамиятидан коррупцияга қарши курашда кучларни бирлаштиришни талаб этади. Шунинг учун БМТнинг Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ҳамда иштирокчи давлатлар конференцияси котибияти бу иллатга қарши курашни қўллаб-қувватлаб келади.

### Ҳар бир соҳа замирида илм бўлиши керак

Янги Ўзбекистон ўз стратегияларида коррупция оқибатларини чуқур англаган ҳолда БМТ, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилаётгани фикримиз далилидир.

2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, босқичли тарзда махсус ваколатли агентлик ташкил этилди. Ҳукумат фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, мулозимлар масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш, давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга жорий этила бошланди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ҳар бир соҳани ривожлантириш учун унинг замирида илм бўлиши, илмий тадқиқотларга асосланиши узоқ истиқболни белгилаб беради. Жумладан, коррупцияга қарши курашиш ҳам ҳуқуқий ва институционал ислоҳотларни тизимли амалга оширишни талаб этади. Бу борада ўтган етти йилда Янги Ўзбекистон стратегияси, реал ва ижтимоий давлатчилик принциплари асосида улкан ислоҳотлар қилинди.

Ўзбекистон давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиятлари узлуксиз тарзда онлайн, яъни рақамлаштирилган ишлаш дастурларига ўтказилди. Дастлаб Президент виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари, Call-марказ ва давлат ҳамда хусусий секторларда "ишонч телефонлари" жорий қилинди. Ташкилотлар, корхоналар ва бошқа идораларга онлайн платформалар орқали танлов асосида ишга қабул қилиш усулига ўтилди. Мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимга ўқишга қабул қилиш ҳамда ҳужжат топшириш жараёнлари ҳам рақамлаштирилди. Бунда таълим олишга иштиёқи бўлган ёшлар учун уяли телефон ёрдамида рўйхатдан ўтказиш хизмати жадал жорий қилинди ва жараёнда инсон омили иштироки камайтирилди. Савдо биржаларида электрон харидлар дўконлари очилиб, маҳсулотларнинг онлайн савдоси татбиқ этилди.

Илгари ота-оналар фарзандининг ўқишга кириши учун турли йўлларни ахтариб, фирибгарларга чув тушган ҳолатлар жуда кўплаб содир бўлиб турарди. Бу, аввало, одамларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслигидан, дунёқарашида "Фарзандим ўқишга кириши учун пул бериш керак" деганга ўхшаш иллатлар палак ёзиб кетганлигидан далолат эди. Бу нафақат таълим тизимида, балки барча соҳада одатий ҳолга айланиб қолганди.

Давлатимиз раҳбарининг виртуал қабулхонаси орқали ҳар қандай фуқаро Президентга мурожаат этиши мумкинлиги барча инфратузилмаларда кескин ижобий ёндашувни ҳосил қилиб, халқда демократия ва сўз эркинлигига ишонч уйғотди.

Натижада коррупция ботқоғига ботаётган айрим амалдорлар, давлат хизматчилари ўзини ўзи назорат қилишга, коррупциядан тийилишга мажбур бўлди. Президент қўллови билан жамиятда коррупцияга муросасизлик ва тоқатсизлик кўникмалари шакллана бошлади.

### БМТ дастури Ўзбекистонда кенг қўлланилади

Мамлакатимизда нафақат ички жараёнларда коррупцияга барҳам бериш, балки шу орқали ижтимоий-иқтисодий, фан-таълим, ишлаб чиқариш соҳаларини жадаллаштириш, пировардида етарли қўшимча қиймат яратиш мақсадида улкан ҳуқуқий ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон 2021 йилда Халқаро очиқ маълумотлар хартиясига қўшилди. Мамлакатимиз Истанбул ҳаракатлар дастури, Глобал оператив тармоқ, Евроосиё ва Эгмонт гуруҳлари, бошқа кўплаб платформаларда самарали иштирок этиб келмоқда. Ғарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларни қайтариш тармоғининг Котибияти вазифасини бажармоқда. Ҳар йили Тошкентда анъанавий Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келиняпти.

Бугунги кунда мамлакатимиз "Transparency International" индексида 42-ўринда, "Open Data Inventory" рейтингида 30-ўринда. Бу минтақамизда энг юқори кўрсаткичлардир. 2030 йилга қадар мазкур рейтингларда янада юқори поғонага кўтарилиш учун саъй-ҳаракатлар кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши институционал курашнинг долзарблиги бўйича қатор мақсад-вазифаларни санаб ўтди. Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш очиқ маълумотлар жараёнига янада кенгроқ ўтиш ва 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиш, 2023 йил ноябрь ойида Тошкентда ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг минтақавий платформасидан кенг фойдаланган ва нодавлат нотижорат ташкилотларини фаол жалб қилган ҳолда, ўзаро тажриба алмашиш ва мулоқотларни кучайтириш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини очиш таклиф этилди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигини хорижий турдош муассасалар билан интеграциялаштириш, илғор халқаро тажриба асосида коррупция ҳолатлари бўйича "дастлабки ўрганиш" — коррупцион суриштирув институтини жорий этиш, онги ва қалби болаликдан "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланган янги авлодни камолга етказишда БМТнинг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг қўллаш ғояси илгари сурилди. Бу тубан иллатга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини янада ошириш учун Глобал медиа форумини ўтказиш таклифлари берилди.

### Ўзбекистон ва Қатар иқтисодий ҳамкорлиги янги босқичда

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Қатар иқтисодий ҳамкорлиги янги босқичда конструктив ривожланмоқда. 2022 йилда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар бўйича ўзаро савдо ҳажми 4,8 миллион долларни, 2023 йил январь — август ойларидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми 4,5 миллион долларни ташкил этган. Бу улкан сармоялар негизида рақамлаштириш платформалари, "яшил" энергетика, нефть кимёси, металларни чуқур қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, туризм, молия ва бошқа соҳалар бўйича икки томонлама узоқ йиллик келишувлар мавжуд.

Айни чоғда тобора долзарб бўлиб бораётган биотехнология ва сунъий интеллект соҳасидаги қўшма тадқиқотлар режаларига алоҳида эътибор қаратилиши сабабли ҳамкорлик самаралари инновацион бошқарувга ўтиш имконини бермоқда. Шу нуқтаи назардан, олий даражадаги маросимда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари 2023 йилда Тошкент ва Доҳа шаҳарларида икки мамлакат дипломатик ваколатхоналари очилганини, савдо ҳажми ошганини, Қатарнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик лойиҳалар бошланганини алоҳида эътироф этди.

Шу нуқтаи назардан, кенг кўламли институционал коррупцияга қарши кураш нафақат икки мамлакат ўртасидаги истиқболли улкан сармояларни, балки мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги умумий жозибадор инвестициявий жараёнларни ва уни жорий қилишдаги ишончли тараққиётни кафолатлайди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва кооперацияларнинг кенгайиши юқори даромадли қўшимча қиймат яратишдаги кўламнинг кенгайишига, халқимизнинг муносиб турмуш тарзи, фаровонлиги ошишига йўл очади.

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ТАРИХ КИТОБИНИНГ ЎЗИГА ХОС САҲИФАСИ

←1 Муаллифнинг ёзишича, ЮНЕСКО томонидан "Марказий Осиёдаги Ўрта асрлар шаҳрининг энг тўлиқ намунаси" сифатида тан олинган Бухорода ўша даврнинг энг қизиқарли ёдгорликлари жойлашган. Бухоронинг тарихий маркази ихчам бўлиб, уни пиёда айланиб чиқиш мумкин.

"Ўз навбатида, 2500 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Самарқанд қадимий обидалар ва замонавий шаҳарнинг ажойиб уйғунлигидир, — давом этади муаллиф. — Диққатга сазовор жойларни кўришни Шоҳи Зинда ансамблидан бошлашни, Амир Темур мақбарасига бориш ва Регистон майдонида тугатишни тавсия қиламиз".

Нашрда қайд этилганидек, ўзбек миллий таоми — паловни татиб кўрмасдан Ўзбекистондан кетмаслик керак.

"Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси ва меҳмондўстлиги билан ҳайратга соладиган давлатдир. Бу ердаги ҳар бир шаҳар ажойиб кашфиётлар ва унутилмас тажрибаларга тўла тарих китобининг ўзига хос саҳифаси ҳисобланади".

**«Дунё» АА.**
Вашингтон

# МАЛАЙЗИЯДА «ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОН» ЯНГИ САЙЁҲЛИК ЙЎНАЛИШИ ТАҚДИМОТИ

*Шу йил 10 — 14 январь кунлари Куала-Лумпур шаҳридаги йирик савдо-кўнгилочар мажмуалардан бири — "One Utama" марказида "Apple Roadshow 2024" сайёр кўргазмаси бўлиб ўтди.*




Малайзиянинг йирик туркомпанияси — "Apple Vacations" томонидан ташкил этилган мазкур кўргазма доирасида Ўзбекистоннинг Малайзиядаги элчихонаси кўмагида мамлакатимиз туризм салоҳиятига бағишланган тақдимотлар ўтказилди. Иштирокчиларга Ўзбекистонда замонавий сайёҳлик хизматлари ва инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Хусусан, икки мамлакат ўртасидаги "Uzbekistan Airways" АЖ ва "Batik Air Malaysia" авиакомпаниясининг тўғридан-тўғри авиақатновлари, юртимизнинг асосий тарихий шаҳарларини боғловчи "Afrosiyob" тезюрар поездлар тизими сайёҳларга катта қулайликлар яратаётгани таъкидланди. Шунингдек, Малайзия фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш тартиби амал қилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир доирасида "Apple Vacations" туркомпанияси томонидан ишлаб чиқилган Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини ўз ичига олган "Гўзал Ўзбекистон" номли янги сайёҳлик дастури кенг оммага тақдим қилинди. Дастур доирасида биринчи сайёҳлар гуруҳини жорий йил май ойидан бошлаб мамлакатимизга юбориш тўғрисида келишувга эришилди.

Сайёр кўргазмада тақдим этилган Ўзбекистоннинг тарихий ва замонавий сайёҳлик марказлари, бой маданияти, бетакрор архитектураси, гастрономик санъати, миллий анъаналари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Айтиш жоизки, "Apple Vacations" компанияси Малайзиянинг йирик сайёҳлик муассасаларидан бири ҳисобланади. Унинг таркибида Осиё, Европа ва Америка қитъалари, мусулмон мамлакатлари ҳамда ишбилармонлик туризми (MICE tourism), денгиз саёҳатлари йўналишларида 40 дан ортиқ турагентликлар фаолият юритади.

**«Дунё» АА.**
Куала-Лумпур

## Ташаббус

# ЯПОНИЯДАГИ ВАТАНДОШ АЁЛЛАР МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

*Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида фаол, олима ва тадбиркор ватандош хотин-қизлар иштирокида гибрид шаклида учрашув ўтказилиб, дипломатик ваколатхона қошида Япониядаги ватандош аёллар маслаҳат кенгаши ташкил этилди.*

Тадбир аввалида мамлакатимиз элчиси Муҳсинхўжа Абдураҳмонов сўзга чиқиб, сўнгги йилларда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турли соҳаларда ўз қобилияти ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш ва рағбатлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш ҳамда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганлиги алоҳида урғуланди.

Шу билан бирга, тадбир қатнашчиларига хорижда яшаётган ватандош хотин-қизлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган юртдошларимизни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга зарур ахборот-маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш бўйича ҳамкорликда ишлар ташкил қилиш лозимлиги билдирилди.

"Ватандошлар" жамоат фонди бошқаруви раиси Одилжон Сатторов ўзбекистонлик ватандош хотин-қизлар кенгаши аъзоларининг асосий вазифалари ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, фонд Япониядаги ватандошлар билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини маълум қилди.

Тадбирда Япониядаги ватандош аёллар маслаҳат кенгаши раислигига Токио чет тиллар университети доценти, юрист Моҳинур Турдиахунованинг номзоди маъқулланди.

Учрашув якунида иштирокчилар томонидан кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш ва истиқболдаги режалар бўйича ўзаро



фикр алмашилди ҳамда юртимиздаги мутасадди идоралар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

**«Дунё» АА.**
Токио

## Саноат

# ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

*Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 5 та бойитиш фабрикаси мавжуд, айни пайтда маъдан таркибида олтин ҳажми бўйича йирик бўлиши кутилаётган "Ёшлик-1" конини ўзлаштириш инвестициявий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Маъданларни бойитиш жараёнлари учун эса мавжуд фабрикалардан бир неча баробар юқори қувватларда ишлаши режалаштирилган яна бир мажмуа қуриляпти. Бу 3-мис бойитиш фабрикасидир. У нафақат йириклиги, балки тўлиқ автоматлаштирилгани билан катта аҳамиятга эга. Айни пайтда цехларга технологик ускуналарни ўрнатиш юмушлари ҳам қизғин олиб борилаётир.*

Ҳозирги кунда 3-мис бойитиш фабрикасига электр билан таъминловчи ускуналар ҳам ўрнатила бошланди. Фабрика бош энергетиги Отабек Турдибоевнинг маълум қилишича, электр таъминоти умумий қуввати 465 МВт бўлиб, бу ерда учта бош пасайтирувчи нимстанция мавжуд. Ушбу нимстанцияларга 8 дона 100 МВт ва 2 дона 63 мегаваттли хорижий компанияларда ишлаб чиқарилган трансформаторлар ўрнатилиши кўзда тутилган.

Эътиборлиси, фабриканинг асосий цехлари дунёнинг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланмоқда. Жумладан, валокли майдалагичлар учун қуввати 3450 кВт, бисерли тегирмонлар учун қуввати 1800 кВт ҳамда бўтана насослари учун қуввати 1200 кВт бўлган, йирик ва ўрта майдалагичлар учун қуввати 800 кВт ва 8000 кВт бўлган электродвигателлар олиб келинди ва ўрнатишга тайёр.

Келгусида 3-мис бойитиш фабрикасида муқобил энергия ишлаб чиқариш манбаларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Фабриканинг асосий энергия бўлимини босқичма-босқич ишга туширишга ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, энергетика цехи ҳамда бошқа асосий цехларда алоҳида хизматлар ташкил этилиб, иш фаолияти жадал суръатларда олиб боріляпти.

Мажмуа қурилишида 23 минг ишчи ва ходим меҳнат қилмоқда, 500 дан ортиқ махсус техникалар кучидан унумли фойдаланиляпти. "Ёшлик-1" кони ва 3-мис бойитиш фабрикаси қуриб битказилгач 6 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, Давлат бюджетига йилига қўшимча 300 млн. долларга тенг солиқ тушумлари тўланиб, экспортга маҳсулот чиқариш ҳажми 500 млн. доллардан ошади.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МАРКАЗ ЯНГИ БИНОДА ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

*Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Самарқанд вилояти бошқармасининг Жомбой тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази янги бинода фаолият бошлади.*

### Қулайлик

Бу ерда ходимлар ва фуқаролар учун барча қулайлик яратилган. Жумладан, кутиш залида ўриндиқлар, болалар майдончаси, тиббиёт хонаси мавжуд.

Мажмуанинг очилиш маросимида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолияти, бундан кутилаётган натижа ва самаралар ҳақида сўз юритилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда туманда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган 81 нафар яккаёлғиз кекса, 4 минг нафардан зиёд ногиронлиги бўлган фуқаролар истиқомат қилади. Эндиликда бу шахсларнинг ҳаёти, муаммолари билан маҳаллаларга бириктирилган ижтимоий ходимлар шуғулланади. "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази орқали давлат томонидан ажратилаётган нафақа ва моддий ёрдамнинг эҳтиёжманд аҳолига етиб бориши таъминланади.

Бугунги кунда марказда 21 нафар ходим иш юритмоқда. Шунингдек, яқин кунларда ҳар икки маҳалла учун бир нафардан ижтимоий хизматни ташкил этиш ходимлари иш бошлаши кутилмоқда.

Янги бинодаги марказда беш турдаги, яъни маҳаллада ижтимоий хизматни ташкил этиш, ижтимоий тўловлар, ногиронлиги бўлган шахслар, катта ёшдаги ва оғир вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш ҳамда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шуъбаларида аҳолига сифатли хизмат кўрсатилади.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СИФАТНИ ЯХШИЛАШ ДАСТУРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

*Ўзбекистонда илк бор ижросига киришилган мазкур лойиҳа ишлаб чиқарилаётган биринчи гуруҳга оид базавий мойлар сифатини яхшилаш ва уларни Европа стандартларига етказиш имконини беради.*

### Изланиш

Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида бу бўйича кенг кўламли дастурни амалга ошириш ишлари бошланди.

У атмосфера-вакуум колоннасини модернизация қилиш, шунингдек, минерал базавий мойлар ишлаб чиқариш қурилмаларини таъмирлашни назарда тутади. Мақсад — мойларнинг физикавий ва кимёвий хусусиятларини энг илғор Европа стандартларига жавоб берадиган даражага етказишдан иборат.

— Базавий мойлар сифатини яхшилаш дастури — компаниянинг инновацияга интилиши ҳамда маҳсулотларни такомиллаштириш сари қўйилган қадамидир, — дейди "Санег" компанияси бош директори Тўлқин Юсупов. — Янги катализатор гидротозалаш мосламасининг имкониятларидан максимал даражада самарали фойдаланиш ҳамда антиоксидант ва коррозияга қарши яхшиланган хусусиятларга ва ёрқин рангга эга мойларни ишлаб чиқариш имконини беради. Бу эса маҳсулотни базавий мойлар учун глобал АПИ стандартлари сари яқинлаштиради.

Маълумотларга кўра, гидротозалашдан сўнг такомиллаштирилган базавий мойлар "SEG Motol" бренди остида мотор, трансмиссиявий, гидравлик, редуктор, компрессор ва бошқа турдаги тижорат мойларини ишлаб чиқаришда қўлланилади. Жорий йилда компания 130 минг тоннага яқин базавий мойларни ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЁШЛАРИМИЗНИ ЭЗГУ ҒОЯЛАР БИРЛАШТИРАДИ

*Ёшлар — эртамиз эгалари, келажагимиз ворислари. Шу маънода, бугунги кунда уларнинг пухта билим олишию касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, умуман, ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.*

*Навоий вилояти мисолида разм соладиган бўлсак, ўтган йил ҳам ҳудудда ёшларнинг ўз иқтидори, имконият ва салоҳиятларини юзага чиқаришлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилиб, бу борадаги муаммоларга изчиллик билан ечим топилаётир.*

### Муносабат

Хусусан, ҳисобот даврида "ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизлардан 13 минг 623 нафарининг муаммолари ижобий ҳал этилди. Бунда ер майдонлари ажратиш, имтиёзли кредитлар бериш, ўзини ўзи банд қилиши, тўлов-шартнома маблағларини қоплаш, тиббий хизмат кўрсатиш, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва сафарбарлик чақируви резерви харажатларини қоплаш, умуман, бандлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Навоийлик ёшлар учун муҳим бир қулайлик — вилоят марказида "Ёшлар технопарки" фойдаланишга топширилганини алоҳида қайд этмоқ жоиз.

Унинг биринчи ва иккинчи қаватларида Фанлар академияси Навоий бўлими, вилоят олий ўқув ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари олимлари ва иқтидорли ёшлар томонидан ишлаб чиқилган инновацион маҳсулотлар кўргазмаси ўрин олган. Хусусан, қуёш концентратори, магнезит ва графитли оловбардош материаллар, вермикулитдан тайёрланган енгил плиталар ва кўчатлар учун биопарчаланувчи тувакчалар ҳамда уруғларни экишдан олдин қобиқлашда ва ўсимликларни барглардан озиқлантиришда бентонитдан фойдаланиш усулларининг жой олганлиги билим, салоҳият ва комиллик сари интилаётган вилоят ёшларининг юртимизда инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилаётган юксак эътиборга жавоби, десак, асло муболаға эмас.



Бугун замон шиддат билан ривожланиб, глобаллашув жараёнлари деярли ҳар куни ҳаётимизга ўз тузатишини киритиб бораётир. Бу хусусда сўз борар экан, энг аввало, ёшларимизда маънавий-мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳар қандай ёт ғоялар, "оммавий маданият" кўринишидаги таҳдидларга ўзларининг хулқ-атвор ҳамда билим ва салоҳиятлари билан қарши тура оладиган, тенгдошлари тақдирига бефарқ бўлмаган йигит-қизларни эзгу ғоялар атрофига бирлаштириш жорий йилда ҳам бош вазифамиз бўлиб қолади.

Чунончи, Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида Навоий вилояти тажрибаси сифатида йигит-қизларни замонавий касб-ҳунарга, ахборот технологиялари, дастурлаш, логистика, 3D моделлаштириш, анимация ва график



дизайн каби соҳаларга ўқитиш мақсадида вилоятнинг барча туман (шаҳар)ларида ўқув марказларини тўлиқ ташкил этиш ҳамда ҳар йили 600 нафарга яқин ўсмирларни ўқитиш кўзда тутилган.

"Ёшлар дафтари" орқали вилоятда 7 минг 586 нафар навқирон авлод вакилининг бандлигини таъминлаш, уларнинг ишсизлик даражасини 7,5 фоизга камайтириш, 5 минг 183 нафар ишсиз йигит-қизни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш, субсидия, ер майдони ва кредитлар ажратиш, 14 минг 826 нафарининг манзилли рўйхатини шакллантириб, расмий секторга ўтказган ҳолда уларнинг ишли бўлишига кўмаклашиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, йилнинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда давлат кўмагига муҳтож 4 минг 281 нафар ёшни "оғир тоифа"га киритиб, ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилиш орқали ҳаёти яхшиланишига кўмаклашиш, Қизилтепа туманининг Тошмачит маҳалласи ҳудудида замонавий спорт мажмуасини қуриш, вилоятнинг Навбаҳор туманида Ёшлар марказини, Навоий шаҳрида эса замонавий кутубхона барпо этиш мақсад қилинган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида маҳаллалардаги минглаб йигит-қизлар, "Ибрат фарзандлари" "YouTube" платформаси ва "Ibrat Academy" мобиль иловаси, шунингдек, "UzChess", волонтёрлик ва лидерлик лойиҳалари ҳамда интеллектуал ўйинларга кўплаб ёшлар қамраб олинади.

Шу билан бирга, хорижий давлатлардаги ёшлардан иборат меҳнат мигрантлари рўйхати шакллантирилиб, уларни Ватанга қайтариш, қизиқишларига қараб иш ва ўқиш шароитларини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Жиноятчиликка мойиллиги бўлганлар билан ишлашда "Ҳаракатлар режаси" тайёрланиб, уларни соғлом маънавий муҳитга қайтариш, жиноят содир этишларнинг олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Албатта, мазкур чора-тадбирлар билан бирга, "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" давлат дастури асосида вилоят ёшларининг илмий ҳамда ижодий изланишларини, спорт ва бошқа соҳалардаги салоҳият ва иқтидорини рўёбга чиқаришга қаратилган турли тадбирлар, мусобақалар ўтказиш режалаштирилган.

**Умиджон БАҲРОМОВ,**
**Ёшлар ишлари агентлигининг Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи.**

# ТАЛАБАЛАРНИНГ ДИЗАЙНЕРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛЯПТИ

*Бугунги кунда Наманган тўқимачилик саноати институти вилоятдаги қирқдан ортиқ корхоналар билан алоқаларни йўлга қўйган. Бунинг дастлабки натижаларини "4+2" дастури доирасида ишга олинган талабалар томонидан дизайнерлик лойиҳалари асосида тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилинаётганида ҳам яққол кўриш мумкин.*

### Интилиш

Мазкур олий таълим муассасасининг тўқимачилик дизайн факультетида 254 талаба таҳсил олаётган бўлса, уларнинг 54 нафар битирувчиси "NT holding" тўқимачилик кластерида амалий кўникмаларни шакллантиришга жалб этилган. Улар ҳафтанинг тўрт кунида институтда назарий ҳамда қолган икки кунида ишлаб чиқариш субъектида ўқув амалий машғулотларини ўтказади.

Дизайнерлик йўналишида 23 нафар йигит-қиз дарсдан бўш вақтлари ҳисобга олиниб, мустақил ишга қабул қилинган.

Ўзига яраша иқтидор соҳибаси Манзура Қудратова асли қўқонлик. Аъло ўқиш билан бирга, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишни мақсад қилган ушбу талаба яратган ўндан ортиқ лойиҳалар хориждаги ҳамкорлар томонидан маъқулланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

— "4+2" дастуридан барака топаётган талабалардanман, десам, муболаға бўлмайди, — дейди у. — Нега деганда, мен ўқиш давомида мазкур корхонага шартнома асосида ишга қабул қилиниб, матоларнинг дизайнини яратиш билан шуғулланяпман. Албатта, талаба-ёшларга мана шундай имкониятлар яратиб берилаётгани эзгу мақсадларимиз сари дадил қадам ташлашимизга кенг йўл очиб беряпти.

Дарвоқе, Манзура яқинда корхона раҳбарлари, хорижлик ҳамкорлар, институт профессор-ўқитувчилари, дизайнерлар учун ўзининг янги лойиҳаси тақдимотини ўтказди. Баҳор фаслига мўлжалланган мазкур лойиҳада истеъмолчига илиқ кайфият берувчи ранглар жилосига асосий эътибор қаратилгани йиғилганлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Айтиш лозимки, ҳозирги пайтда мазкур тўқимачилик кластер корхонасининг ип-йигирув, тўқув-бўяш ва тикув корхоналарида умумий ҳисобда 100 дан зиёд талабалар меҳнат қиляпти. Ўрнатилган ҳамкорлик талабаларда мустақил ишлаш учун амалий кўникмаларни шакллантириш баробарида, уларнинг келажакда доимий иш ўрни билан таъминланиши имкониятини ҳам яратмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Китоб жавонингизга

# «АБУ АЛИ ИБН СИНО»




*"Янги аср авлоди" нашриёти томонидан ёзувчи Абдужалол Раҳимнинг "Абу Али ибн Сино" тарихий роман-трилогияси тўлиқ нашрдан чиқарилди.*

Романнинг 1-китоби "Бухоро" деб аталган. Унда буюк ватандошимизнинг болалиги, ўсмирлиги, ҳаётининг 1005 йилгача, яъни йигирма беш ёшигача Бухорода кечган даври қаламга олинган.

2-китоб — "Хоразм"да эса улуғ табиб, алломанинг Хоразмга келиши, бу заминдаги ҳаёти ва фаолияти (милодий 1005 — 1011 йиллар) ҳақида ҳикоя қилинган.

Трилогиянинг 3-китоби "Хуросон, Ҳамадон" дея аталиб, унда алломанинг 1012 йилда Хоразмдан Журжон томон йўлга чиқиши, зиёрийлар, бувайҳийлар юртидаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида тасаввур беради.

Роман-трилогия китобхонлар жавонидан муносиб ўрин эгаллайди, деган умиддамиз.

# БИЛИМ ВА ҒОЯ — ЭНГ КАТТА САРМОЯ

*Ўтган йилнинг 20 декабрь куни давлатимиз раҳбари иштирокида Рақамли бошқарув марказида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига асосан олиб борилаётган ишлар тақдимоти ўтказилди.*

### Баркамол авлод орзуси

Айтиш жоизки, ушбу стратегияда мамлакатимизни минтақавий "IT хаб"га айлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу давлат бошқаруви ва соҳавий хизматларни рақамлаштириш, инфратузилмани яхшилаш, IT таълимни ривожлантириш каби муҳим омилларни талаб этади.

Юзма-юз мулоқотда Президентимиз бу борада эришилган натижалар, ютуқларни сарҳисоб қилиб, яқин истиқболга мўлжалланган режа-мақсадларга тўхталиб ўтди. Айни жараёнда янги авлод вакиллари, хусусан, фарғоналик ёш дастурчи Муҳаммадқодир Абдувойитов эришаётган муваффақиятларни мамнуният билан таъкидлади.

— Бу ютуқларимда кейинги йилларда юртимизда жаҳон андозалари даражасида яратилган замонавий шароитларнинг аҳамияти беқиёс, — дейди ёш дастурчи. — Келинг, шу ўринда биргина Фарғона вилоятидаги қулайликларга эътибор қаратамиз.

Айни пайтда вилоятда IT соҳасида 69 та резидент рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 11 таси экспортга, 32 таси ички бозорга дастурий маҳсулотлар тайёрлайди, 26 та IT компания таълим йўналишига ихтисослаштирилган. Биргина ўтган йилнинг ўзида улар томонидан экспортга 130 та, ички бозор учун 220 дан ортиқ дастурий маҳсулотлар яратилди. 2023 йилда 47,5 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, 2,4 млн. доллар ҳажмида экспорт амалга оширилди.

"Беш муҳим ташаббус" доирасида вилоятнинг 19 та шаҳар-туманида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди ва ўтган даврда бу ерда ўқиган 13 минг 200 нафар навқирон авлод вакилига махсус сертификатлар топширилди. Ёш дастурчиларнинг ўнлаб стартап-лойиҳалари молиялаштирилди.

Муҳаммадқодир IT соҳаси билан 12 ёшидан буён шуғулланади. Шу кунгача кўплаб нуфузли халқаро танловларда ғолиб бўлди. Мисол учун, 2022 йили пойтахтимизда уюштирилган "GovAward" танловининг финал босқичида дастурий маҳсулоти "Топ-7" лойиҳалари сирасига киритилган. 2022 йили Россияда бўлиб ўтган "HSE Fest" стартап лойиҳалар танлови ҳамда 2023 йилда Қозоғистонда ўтказилган "Startup Battle da Yandex"да номинация ғолиби, деб топилди.

Ўтган йили яратган "Braille Recognition" инновацион мобиль иловаси дунё миқёсида юксак эътирофга сазовор бўлгани янада қувонарлидир. Бу дастур кўзи ожиз ва заиф кўрувчиларнинг яқинлари, ўқитувчилар, шунингдек, Брайль алифбоси билан ишловчи ҳар бир инсон учун мўлжалланган. У телефон камераси билан олинган тасвирлардаги Брайль ҳарфларини таниб олиш ва автоматик равишда оддий матнга таржима қилиш имконини беради.



Дастур илова тасвирдаги Брайль ҳарфларини таниб олиш учун кучли алгоритм билан жиҳозланган. Бу унга белгиларни юқори аниқликда билишда қўл келади. "Braille Recognition" таниб олинган Брайль белгиларини фойдаланувчи танлаган тилга таржима қилади. Фойдаланувчилар ўгирилган бу матнни телефон экранида олиши ёки овоз синтезатори ёрдамида тинглашлари мумкин. У илова расмни дарҳол қайта ишлайди ва натижани реал вақт режимида тақдим этади, бу сизга керакли маълумотларни тезда олиш имконини беради.

Дунёда муқобили йўқ ушбу дастур турли тиллардаги Брайль ҳарфларини таниб олиш ва таржима қилишни қўллаб-қувватлайди, бу эса, ундан жаҳон бўйлаб кенг фойдаланиш имконини беради. Иловани тезкор тизимларга эга смартфон ва планшетларга ўрнатиш имконияти ҳам мавжуд.

Шунингдек, мазкур илова кўзи ожиз болаларнинг ота-оналари учун уй вазифаларини бажаришда ва уларнинг ўқув жараёнини қўллаб-қувватлашда қўл келади. Чунки Брайль алифбосида ёзилган дарсликлар, қўшимча топшириқлар каби ўқув материалларини осон таржима қилиш учун "Braille Recognition"дан фойдаланиш мумкин. Бу ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги алоқани яхшилайди ҳамда ота-оналарга ўз фарзандининг таълим жараёнида фаол иштирокчи бўлишга ёрдам беради. Ўз навбатида, мазкур илова ўқитувчиларга Брайль алифбосида тақдим этилган уй вазифалари ва тестларни текширишни осонлаштиради. Умуман олганда, илова кўзи ожиз ва заиф кўрувчи инсонлар жамият ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

— Яқинда "Focus Group" компаниясига асос солиб, ўтган қисқа даврда нафақат мамлакатимиз, балки хориж давлатларидан тушган буюртмалар асосида ўнлаб мобиль иловалар, веб-сайтлар яратиб беришга муваффақ бўлдик, — дейди ёш дастурчи. — Президентимизнинг юксак эътирофи жамоамизни беҳад қувонтирди. Ҳозир Россия, Қозоғистон компаниялари билан ҳамкорликда бир неча истиқболли лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Яқин келажакда дастурий маҳсулотлар экспортини миллион доллардан оширишни мақсад қилганмиз.

Энг муҳими ва асосийси, "Local to Global" тамойили орқали компаниямиз маҳсулотларини кенг миқёсда экспортга йўналтириш, Фарғонада нуфузли халқаро компаниялар офисини очиш, маҳаллий ёшларни халқаро IT сертификатига ўқитишни режалаштирмоқдамиз. Бу борада Президентимиз иштирокида 2023 йилнинг 20 декабрь куни Рақамли технологиялар вазирлигида ўтказилган учрашувда илгари сурилган эзгу ташаббуслар муҳим дастуриламал бўлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра жорий йилдан юртимизнинг барча ҳудудида "Ҳар бир маҳаллада камида икки нафар дастурчи" лойиҳасини амалга оширишга киришилади. Иқтидорли дастурчиларга бир йил ичида бўлиб тўлаш шарти билан компьютер ва техникалар берилади. 50 дан ортиқ иш ўринлари яратган ва чет элдаги халқаро конференцияларда қатнашадиган дастурчилар бир қатор имтиёзлардан фойдаланади.

— Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида уюштириладиган семинарларда фаол қатнашиб, талабаларга ўз билим ва амалий тажрибам бўйича маърузалар ўқиб тураман, — дея суҳбатимизни давом эттиради иқтидорли дастурчи. — Шунингдек, "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ўтказиладиган ўқув курслари фаолиятини мунтазам равишда кузатиб бораман. Шу тариқа IT соҳасида истеъдодли йигит-қизларни кашф этиш, фаолиятини рағбатлантиришга ҳаракат қиламиз.

Мухтасар айтганда, бугун юртимизда IT соҳасини жадал ривожлантириш борасида жаҳон андозалари даражасида қулай шарт-шароитлар яратилаётир. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги инвестициявий жозибадорлигини ошириш, дунё миқёсида бўйлаша оладиган янги авлод мутахассисларини тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани эътиборга лойиқ.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «СОҲИБЖАМОЛ ДАРАХТ»

*Таниқли шоир, таржимон Турсун Алининг "Соҳибжамол дарахт" тўпламидан ўрин олган янги шеърларини ўқир экансиз, "ғаройиб кечанинг оғуши"да "тонг нафаси"ни ҳис этган, "қароғида ажиб аланга" жилоланган қушча рамзини англаган, "сабр отида саҳро кезган ошиқ" ҳолидан огоҳ қалб манзараси, кечинмалари, асроридан воқиф бўласиз.*

Шеърларида шакл ва ифода услуби ўзгачароқдек туюлса-да, улар барча учун тушунарли бўлган ишқу илҳом, завқу ҳайрат, ҳис-идрок тили билан битилгани боис ҳам сўз ихлосмандлари кўнглидан, шууридан ўз ўрни ва қадрини топишига ишончимиз комил.




Шунингдек, тўпламга ижодкорнинг сўнгги йилларда ёзган сочмалари, адабий этюдлари ҳамда Хитой шеъриятидан қилган таржималари ҳам киритилган.

**«Халқ сўзи».**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси Миллий марказнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни имплементация қилиш бўлими бош мутахассиси Асия Жасимовага отаси
**Ислом ЖАСИМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 808 нусхада босилди, ҳажми —2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.48 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6